

Темурийлар салтанати хукмронлига даврида Мовароуннахр ва Хуросонда бадиий адабиёт ҳам янги боскичга кўтарилди. Шу даврда форс-тожик адабиёти ўзининг янги ривожланиш погонасига эришган бўлса, узбек адабиёти Алишер Навоий, Мавлоно Лутфий, Дурбек, Хофиз Хоразмий, Атоий, Саккокий, Гадоий, Саййид Косимий, Якиний ижодлари мисолида ўз тараккиётининг энг юксак боскичига кўтарилди. Абдурахмон Жомийнинг «Хафт авранг», Алишер Навоийнинг «Хамса», «Хазойин ул-маоний» асарлари шу давр Хафт авранг» («Етти тахт») деб ном кўяр экан, Темурийлар сулоласидан етти шох (Амир Темур, Халил Султон, Шохрух, Улугбек, Абулкосим Бобур, Абу Сайд, Мирзо Хусайн Бойкаро)ни кўзда гутган бўлса, Навоий ўз «Хамса»сини яхлит холда Хусайн Бойкарога бағишлаган ва бу билан хар икки муаллиф ҳам шу давр хукмдорлирига ўзларининг маълум маънода миннатдорчиликларини намоён этган эдилар.

Темурийлар давридаги адабий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларидан бири адабий жараённинг ягоналиги, унда туркий тилда ижод килувчиларнинг ҳам, форсийда калам тебратувчиларнинг ҳам баробар ва фаол катнаша олгани эди. Буни биз Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида яққол кўрамыз. Унда ижодкорлар тил хусусиятларига қараб бир-биридан ажратилмаган. Хусайн Бойкаро хукмдорлиги давридаги адабий ҳаётга тўхталар экан, Захириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома"да: "Шуародин бу жамънинг саромад ва сардафтари Мавлоно Абдурахмон Жомий эди", — деб ёзади. Бинобарин, фақат форсий адабиётнинг эмас, шу даврдагил ўзбек адабиётининг гуллаб-яшнашида ҳам Абдурахмон Жомийнинг роли жуда катта бўлган. Абдурахмон Жомий Шохрух хукмдорлиги даврида— 1414 йил 7 ноябрда Нишопур яқинидаги Жом шаҳрида, рухоний оиласида дунёга келди. Жомийнинг ота-боболари асли Даштдан бўлиб Жомда туриб қолишган.

Бобоси Мавлоно Муҳаммад ва отаси Низомиддин Аҳмад сингари Абдурахмон ҳам кўлига калам олиб, шеър ёза бошлаган вақтдан бошлаб ўз таваллуд топган шаҳри номини ўзига адабий таҳаллус қилиб олган (Баъзи олимларнинг фикрича, "Жом" сўзи "идиш" маъносидан тасаввуфий тушунчани ҳам биддиради. Шарқдаги адабий анъанага кўра адабий таҳаллус кўп маъноли бўлиши маъқул кўрилган).

У асосий умрини Хиротда ўтказди ва шу ерда машҳур шоир ва мутафаккир бўлиб етишди. Болалик чоғидаёқ Жомий зехнининг ўткирлиги билан ажралиб турган. Бошланғич маълумотни у отасидан олган. Оиланинг Хиротга кўчиши, отасининг бу ерда шайх ул-ислом мансабига тайинланиши Жомий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Хиротда унинг ўқишига Хожа Алоуддин Али Самаркандий, Шаҳобиддин Муҳаммад Жожармий каби машҳур муаллифлар ўз хиссаларини қўшдилар. Натижада у араб тили, илоҳиёт, тасаввуф, шеър қоидалари, адабиёт тарихи ва бошқа фанларнинг асосларини жуда эрта ва ўзлаштира бошлади.

Жомий турли фанлар бўйича ўз таҳсилани Самаркандда ниҳоясига етказишни ихтиёр қилар экан, у Улугбек мадрасасида Улугбек, Козизода Румий, Али Қушчи каби алломаларнинг маърузаларини эшитиш шарафига муяссар бўлди. У фикхшунос олим,

араб тили, "Куръон", хадислар бўйича мутахассис Фазлуллох Абуллайсдан ҳам кўп дарс одди.

Хиротда Жомий тасаввуф йўлига киришни, ўз билим ва фаолиятини шу йўлга, қолаверса ижодга, илм-фанга бағишлашни афзал кўради. Ёш Жомий Шайх Саъдаддин Кошгарий билан яқинлашиб, унга кўл беради ва тез орада унинг хурматини қозонади. Жомий пирининг кизига уйланади. Саъдиддин Кошгарий тасаввуфда Мухаммад Накшбанд сулукига мансуб эди.

1469 йили Султон Хусайн Бойқаро Хирот тахтига ўлтиради. Орадан кўп вақт ўтмай, 1476-77 йиллар орасида у ўз дўсти ва вазири Алишер Навоий билан Жомийни ўзига пир ва устоз деб танийди. Бу Жомий хаёти ва фаолиятида катта воқеа бўлди.

Жомий кундалик хаётда оддий, дарвишона яшаса ҳам, бироқ шох ва унга алоқадор кишиларнинг, ҳатто уни асарлари орқали таниган бошқа мамлакат подшоҳларининг унга муруввати катта эди. Шунинг учун у ўзига тушган даромадлар ҳисобига бир канча бинойи хайриялар, шу жумладан Хиротда икки мадраса ва хонақоҳ, тутилган шахари — Жомда бир масжид қуриш имконига эга бўлган. Унинг Шамсиддин Мухаммад исми укаси бўлиб, у катта табиб, олим ва созанда бўлиб етишгани маълум.

XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий ва адабий хаётда юз берган ибратли ҳодисалардан бири Навоий — Жомий муносабатларидир. Бу икки буюк зот ижод соҳасида халқпарварлик ва инсонпарварлик мавқеида туриш билан бирга халқ, давлат ишларида инсоф ва адолатни ёқлар эдилар.

Жомийнинг "Нафахот ул-унс", "Лужжат ул-асрор", "Ашият ул-ламаот", "Рисо-лаи мусикий", "Рисолаи муаммо" каби бир канча асарлари Навоийнинг маслаҳати ва илтимоси билан ёзилган. Жомий ўз лирик шеърларини йиғиб, девон тузмокчи бўлганда, Навоий маслаҳати билан учта девон тузади ва девонларнинг биринчисига "Фотихат уш-шабоб", иккинчисига "Воситат ул-ишк", учинчисига "Хотимат ул-хаёт" деб ном қўяди.

1480 йилдан 1485 йилнинг охирига қадар Жомий ўзининг буюк "Хафт авранг"и таркибига кирган дostonларини яратиш устида иш олиб борди. Шарқ адабиётидаги ҳамсачилик анъаналари асосида ёзилган бу дostonлардан "Силсилат уз-заҳаб", "Тухфат ул-ахрор", "Сухбат ул-аброр" гоъвий тематик жихатдан фалсафий-ахлокий йўналишда, жанр эътибори билан панднома типига бўлиб, ўз даврининг энг долзарб масалаларига бағишланган эди.

"Юсуф ва Зулайхо", "Лайли ва Мажнун", "Саламон ва Абсол", "Хирадномаи Искандарий" дostonларида эса шоир анъанавий сюжетларнинг янги талқинларини берди.

Жомий бир неча маротаба ҳаж қилган, ҳаж сафари давомида Нишопур, Бастом, Домгон, Қазвин, Хамадон, Қарбало, Бағдод, Дамашк, Халаб, Табриз каби шаҳарларни кўрган, бу шаҳарларда юксак иззат-ҳурматга сазовор бўлган. Унинг шахсий мактубларидан маълум бўлишича, у яқин дўсти Хожа Ахрор таклифи билан Тошкентда ҳам бўлган ва улуг мазоратларни зиёрат қилган.

Абдурахмон Жомий 1492 йили шамоллаш натижасида хасталаниб, 78 ёшида ҳаёт билан видолашган. Унинг дафн маросими Навоий бошқариб, подшоҳ Хусайн Бойқаро эса мамлакатда бир йил мотам эълон қилди. Унга атаб кўпгина шоирлар, шу жумладан Навоий ҳам, қайғули марсиялар битишди. Навоий марсиясида Жомий вафотининг тарихи "Кашфи асрори илоҳ" ("Илоҳий сирлар кашфи") деган сўзлардан (хижрий 898, мелодий 1492 йил) чиқарилган эди.

Абдурахмон Жомий гоят сермахсул ижодкор бўлиб, ундан бизга адабиётнинг турли жанрларига, фан ва санъатнинг ранг-баранг соҳаларига оид бой мерос қолган. Жомий асарлари ўз давридаёқ Хуросон ва Мовароуннаҳр доирасидагина эмас, бошқа мамлакатларга ҳам кенг тарқалган эди. Баъзан кўшни мамлакат подшоҳлари, масалан, Султон Яъқуб унинг асарларини сўраб махсус элчилар юборган.

Унинг асарлари ўз даврида ва ундан кейин ҳам кўп қўлёзма нусхаларда кўчирилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Қўлёзмалар институти фондларида Жомий асарларининг XV — XVI асрларда кўчирилган ўнлаб қўлёзмаларини учратиш мумкин.

Бундай қўлёзмалар Русия, Афғонистон, Эрон ва Оврупо мамлакатларидаги бошқа қўлёзма фондларида ҳам учрайди. Таникли шарқшунос Е. Э. Бертельс "Жомий" монографиясида шоир асарларининг Тошкент куллиети (ЎзР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Қўлёзма инв. №2122) асосида 52 асарининг номини келтиради.

Жомий асарларининг бир қисми диний ва фалсафий мазмунга эга бўлиб, уларда шоир Ислом дини ва Шарқ фалсафасининг бир қатор масалаларини ўз қарашича талқин қилади, тасаввуфнинг XV асрдаги энг йирик арбоби сифатида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этади.

Бунга унинг "Накши фусус" ("Маънолар накши"), "Шавоҳиди нубувва" ("Пайгамбарликка далиллар"), "Шарҳи касидаи "Тоия" (Радиқда "то" ҳарфидан фойдаланиб ёзилган касида шарҳи)", "Нақди нусус" ("Матни танқид)", "Шарҳи касидаи "Ҳамрия" ("Ҳамрия" касидаши шарҳи)", "Нақшбавдий таълимоти ҳақида рисола", "Воҳид" атамаси ҳақида рисола", "Зикр" шартлари ҳақида рисола", "Ҳаж қилиш йўллари ҳақида рисола", "Ашиот ул-ламаот" каби бир қанча асарларини шу гуруҳга киритиш мумкин.

Жомий ўзининг мутасаввуфлик фаолиятда Баҳовуддин Нақшбанд гоиларини шу сулуқнинг иккинчи бир йирик намояндаси — Ҳожа Аҳрор Валий билан яқин муносабатда бўлган ҳолда янада ривожлантирди. Расман у ўзини қундалиқ ҳаётда "Маломатия" тариқатига мансуб деб ҳисобласа-да, асарларида улуг Нақшбандга ихлоси чексиз эди.

У ўзининг "Лужжатул-асрор" қасвдасида сўфий ҳулқ-ахлоқи, инсон тарбияси ҳақда гап борганда таъмағирликни қоралаб, қаноатли кишиларнинг олийжанобликларини, уларнинг маънавий жихатдан подшоҳ ва вазирлардан ҳам устун эканликларини мадҳ эғиб, қуйидаги сатрларни битган эди:

Томеъоя аз баҳри гуъма пеши ҳар ҳас сар ниҳад, Қонеъонро ҳанда бар шоҳу вазири

кишвар аст.

Мазмуни:

Таъмагирлар бир лукма учун бошини хасга куйишга тайёр, Каноатчилар эса мамлакат шохи ва вазири устидан хам кула олади.

Шоир фикрича, инсон халол ва пок яшаши, бунинг учун эса у бир касбга эга бўлиши, ўз меҳнати хисобига кун кўриши зарур:

Марди косиб каз машаккат мекунад кафро дурушт, Бахри яохамворияи нафси дагал хонгар аст.

Мазмуни:

Косиб одам меҳнат туфайли кўлини кавартиради, Бу кўддаги дагал эса нафс гидир-будурини текисловчи рандадир.

Жомийнинг тасаввуфга бўлган эътиқоди соф ва мукамал бўлиб, у Худони ёруг нур кўринишида тасаввур этар эди. Шеърий асарла-рида эса у Худони гўзал маъшука киёфасида тасвирлаган. Шу билан бирга унингча, дунёдаги хамма нарсаларни яратган. Худо ўзи хам мингларча кўзгуда, турли киёфада ва кўринишда намоёндыр.

Жомий "Нафахот ул-унс" асарини яратиш билан тасаввуф тарихини ўрганишга катта хисса кўшди. Унда 616 мутасаввуф хаёти ва фаолияти хакида маълумот берилган бўлиб, улардан 34 таси аёллардыр. Жомий вафотидан кейин бу асарни Навоий маълум тўлдиришлар билан ўзбек тилига таржима килиши бежиз эмас эди.

Жомийнинг "Рисолайи аруз", "Рисолайи муаммойи кабир", "Рисолайи муаммойи сагир", "Рисолайи муаммойи мутавассит", "Рисолайи муаммойи манзум", "Шархи байти Маснавий", "Шархи байти Хусрав", "Шархи руббиёт", "Рисолайи кофия" каби асарлари Шарк адабиёти тарихини, унинг вазн, кофия ва шеър турлари билан боглик назарий масалаларини ўрганишда хозирги кунга қадар ўз ахамиятини йўқотмаган.

Олимнинг факат муаммо хакидагина 4 та назарий кўлланма яратгани ёки улуг салафлари асарларининг мураккаб бир байтини изохлаш, тасаввуфнинг бирон атамасини ёритиш учун махсус рисоалар ёзгани унинг адабиёт тарихини ўрганишга жуда катта ахамият берганини, ўзи бу сохаларнинг хакикий донишманди бўлганини кўрсатади.

Бундан ташқари Жомий ўз даврининг энг буюк тилшуноси хам эди. У форс тили грамматикаси бўйича махсус шеърий ва насрий кўлланма ёзган. Араб тилини эса ўз она тилидек билган эди. У вақтда араб тили машхур хоразмлик тилшунос олим Ибн Хожибнинг (1175— 1249) "Ал-Кофия" китоби бўйича ўрганиларди.

Шоирнинг суюкли фарзанди Зиёвуддин араб тилини шу дарслик бўйича ўқир экан, дарсни ўзлаштиришда катта кийинчилик сезади. Шунда Жомий унинг ахволини тушуниб, 1492 йили, яъни умрининг охирларида "Ал-Кофия"га махсус шарх ёзади. Шундан сўнг

Ибн Хожибнинг асари мактаб ва мадрасаларда шу шарх ёрдамида ўқитиладиган бўлади. Жомий "Шархи" эса "Шархи Мулло" номи билан шухрат козонади.

Унинг аруз билан бир каторда музика назарияси хақида "Рисолайи мусикий" асарини ёзиши шу давр маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Жомий ўз рисоласида Абу Наср Форобийнинг кўп жиддлик "Музика хақида катта китоб" асаридаги гоёларни янада ривожлантирди, мусикани товушларнинг ўзаро оҳангдошлик (таълиф) ва ноохангдошлик (манофарат) нуктаи назаридан ўрганувчи, янги куй яратиш учун улар орасидаги оралик (озмина)ларни текширувчи фан деб характерлади.

Мусика, унинг фикрича, инсонга энг юкори маънавий озик берадиган мукамал гўзал товушлар хақидаги фандир. Бу фан инсонларга хизмат қилиши, уларнинг ҳаётини безаши зарур.

XV аср адабий ҳаётида шеърӣ асарлар билан бир каторда насрни ривожлантиришга ҳам аҳамият берилар эди. Шайх Саъдийнинг "Гулистон" номли машҳур ҳикоялар тўпламини гоёт севган ва уни "жаннатдан нишон, ҳашак-тикони ҳам анбаргадир жон" деб таърифлаган Жомий 1486—87 йилларда шу асарга жавобан "Бахористон" деган асарини яратди.

Жамиятдаги турли табақалар ҳаётидан, тарихдан ҳикоя қилувчи бу тўпламда биз жанр эътибори билан енгил, ёзилиш услуби ўзгача, тили халқчил, сюжети содда кўп ҳикояларни ўқишимиз мумкин. Хар бир ҳикоя катта тарбиявий аҳамият-га эга. Масалан, куйидаги ҳикояни Искандарнинг мураккаб бир саволга гоёт оқилона жавоб берганини ва дўстлик, инсонийлик гоёларини улуглаганини кўрамиз:

"Искандардан:

— Сен шундай ёшлик ва навқиронлик чоғингда қандай қилиб бу давлату салтанатга эриша оддинг? — деб сўраганларида, у шундай жавоб берибди:

— Мен душманларимга хушмуомала бўлдим, токи адоват жиловы йигилиб жонлансин; дўстларга садокатда бўлдим, токи дўстлик мустаҳкамлансин".

"Бахористон"нинг 7-равзаси адабий тазкира характерида бўлиб, унда Рудакий, Дакикий, Фирдавсий, Носир Хисрав, Низомий, Шайх Саъдий, Хофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Хусрав Дехлавий қаби машҳур форс-тожик шоир ва адиблари тўғрисида қимматли маълумотлар ҳамда уларнинг ҳаётидан олиб ёзилган ҳикоялар бор.

Лекин Жомий ижодининг энг катта қисмини, ҳеч шубҳасиз, унинг шеърӣяти ташкил этади. 1490 йилнинг бошида у ўз шеърларидан 3 та девон тузган бўлиб, бу девонлар 1805 газал ва бошқа шеър турларини ўз ичига олгандир. Бу девонлардаги деярли барча шеърлар шоирнинг лирик шеърлар соҳасидаги юксак истеъдодидан дарак беради.

Навоий: Жомийнинг йигитлик даврида илм олишга каттик эътибор берган бўлсада, "аммо ҳеч вақт назм ойинидин холи эмас экандурлар", — деб ёзади "Ҳамсат ул-мутаҳаййирин" асарида. У ўз мулоҳазаларини давом эттириб, улуг шоир шеърларининг диний-тасаввуфӣй, мазмуни, Аллохни таниш, билигд билан боъл ик хақиқатни шоир мажозий йўл, услуб билан, ўзини мажбур қилиб эмас, балки беихтиёр ифодалагани

хакида ёзади.

Жомий шеърларида ҳам, бошка кўп Шарк мумтоз шоирлардаги каби хаёт, инсон гўзаллиги ва ички туйғу, эхтирослари ўзининг табиий ифодасини топган ва шоир уларга тасаввуфий маъно берган. Жомий шеърий меросининг йирик тадқиқотчиси А Афсаҳзод ҳам бу тўғрида: "Жомийдаги сўфиёна кайфият унинг ижодий йўли-ни энг ибтидосидан бошланган эди", — деб ёзганда тўла ҳақ эди.

Жомий лирик шеъриятида реал хаёт билан тасаввуфий хаёлот шоирнинг ижодий фантазияси орқали бирлашиб кетган.

Шоир шеъриятидаги панд-насихат руҳидаги шеърлар кишиларни эзгуликка, ҳалол ва пок бўлишга, камтарликка, Аллоҳ томонидан берилган умрни яхши ишлари билан яшаб ўтказишга даъват этади. У ўз рубоийларининг бирида ёзади:

Бўлайлик дил хаста ҳам сийналар чок,
Хаётда доимо пок бўлайлик, пок.
Хокистар бўлайлик ишнинг бошидан,
Чунки охири ҳам хок бўлурмиз, хок.
(Ш. Шомухамедов таржимаси)

Ранг-баранг хаётий мавзуларда яратган бадиий юксак ва сержило шеърлар билан форсий адабиётни бойитган Жомий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Дехлавий, Хожа Хофиз Шерозий каби сўз санъаткорлари сафидан муносиб ўрин олди.

Абдурахмон Жомий ижодининг гултожи, гяубҳасиз, унинг "Хафт авранг" деб номланган дostonлар мажмуасидир. Бу дostonларида Жомий форс-тожик адабиётида яратилган Низомий Ганжавий (1141—1209) ва Амир Хусрав Дехлавийнинг (1253—1325) "Хамса"ларидаги энг яхши гоъвий ва адабий аъналарни давом эттириб, XV асрнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий хаётида мавжуд муаммоларга ўз муносабатини билдиришга ҳаракат қилганки, маснавийда, олдинги "Хамса" дostonлари вазнида яратилган бу дostonлар Низомий ва Дехлавий асарларидан қолишмаслигини таъкидлаб, Алишер Навоий куйидаги байтларни ёзган эди:

Газал дарду сўзияи, ваҳ-ваҳ, не дей! Деса маснавий, аллах-аллах, не дей! Агар назмдин борча усдуб анта, Бори бир-биридин эрур хўб анга, Вале маснавий ўзга олам дурур, Кн таъбига холо мусаддам дурур. Бўлуб жилвагар таъби кўзгусида, Ки сабт айлади "Хамса" ўтрусида, Эрур андин ортукья, ўксук эмас, Эл андин дер ортукки, ўксук демас!

Ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлокий масалаларда Жомий халк-парварлик ва инсонпарварлик, адолат ва инсоф масалаларига, зулмни, золимларни қоралашга кенг ўрин берди. Буни у айниқса шохлар хакида гап борганда, кайта-кайта қаламга олди. Унингча, шох одил бўлса, у беҳавф-беҳатар яшайди.

Жомийнинг "Юсуф ва Зулайхо", "Лайли ва Мажнун" дostonларида ишқ ва муҳаббат, дўстлик мавзулари янги илҳом, янги шеърий харорат билан ёритилган бўлиб, шу аънавий сюжетга қурилган дostonлар орасида алоҳида ўрин тутади. "Лайли ва

Мажнун"югаг кириш кисмида дўстликни, мухаббатни улутлаб шоир ёзади:

Умид хазинасин калити ёрдир, Хаётинт у бирла шод, бахтиёрдир. Вужудинг максуди недир гайри ёр? Ёрсиз бу савдонинг не кераги бор? Вужудинг топгунча буткул инкироз, Бирор куш этолмас ёр каби парвоз.

Худди шу сатрлар давомида Жомий дўстликка мисол тарзида бир умрлик кадрдон дўсти Алишер Навоийни эслайди ва уни дўстлик богидаги энг вафодор ва меҳрибон дўст сифатида шундай таъриф ва тавсиф этади:

Дўстлик богидаги маъсус хушкалом,

Вафо шохидадир Навоий мудом.

Гўзал сўзлар билан наво айлагай,

Озурда дилларни даво айлагай.

Бундан бошка ишнинг бўлмас адоси, Жахонда дўстлар бўлмас адоси, Ўз даврида Жомий факат Навоийнинг эмас, балки бутун ўзбек адабиётини ҳам энг якин дўсти эди. Навоий ёзишича, у туркий тилда шеър ёзмаса ҳам, аммо бу тилдаги асарларни яхши тушунар ва улар хақида ўз фикрини айта олар эди. Мавлоно Лутфий вафоти олдида ўзининг тугалланмай колган:

"Гар кори дили ошик бо кофири Чин афтад,

Бехзон ки ба бадхўйи бемехри чунин афтад",

— деб аталадиган матла билан бошланган газалини Жомий давом эттириб, тугатиб, ўз девонига киритсин, — дея васият килган. Маълумки, Жомий бу илтимосни бажарган. У Хусайн Бойкаро ижодидан ҳам тўла хабардор эди. Айникса унинг Навоий "Хамса"сига ўзининг "Хирадномайи Искандарий" достонида куйидаги бахони бергани диккатга сазовордир:

Ба турки забон накше омад ажаб, Ки жодудамонро бувад меҳри лаб. Зи чарх офаринхо бар он килк зод, Ки ин накши матбу аз он килк зод.

Мазмуни:

Туркий тилда шундай бир ажойиб накш (асар) пайдо бўддики, Унинг олдида хар кандай (сўз) сеҳргари огзини очолмай колди. Фалакдан офаринлар ёгилсин (бу накшни чизган Навоий) каламигаки, Бу гўзал накш, ахир, ўша каламнинг ишидир.